



НАМАНГАН ВИЛОЯТИДА КИЧИК БИЗНЕСНИ РИВОЖЛАНИШИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАРНИНГ ЭКОНОМЕТРИК ТАҲЛИЛИ

Убайдуллаев Акмал Тулкинбоевич

*Наманган Муҳандислик-Технология институти таянч докторанти.
Ўзбекистон. foxlisa037@gmail.com*

ORCID: 0009-0000-5915-3878

DOI: https://doi.org/10.55439/EIT/vol11_iss1/a30

Аннотация

Мақолада мамлакатимизда Наманган вилоятида фаолият юритаётган кичик бизнес субъектларининг 2000 йилдан 2021 йилгача бўлган даврдаги маълумотлари асосида кўп омилли эконометрик модель тузиб, мазкур ривожланиш миқдорий баҳоланган, шунингдек кичик бизнесда ишлаб чиқарилган (кўрсатилган) бозор хизматлар ҳажми, автомобил транспортида юк ташиш ҳажми, автомобил транспорти юк айланмаси, автомобил транспортида йўловчи ташиш ҳажми, автомобил транспорти йўловчи айланмаси, банд бўлганлар сони ва бошқа омиллар маҳаллий тадқиқотчилар томонидан эконометрик моделлаштирилган.

Калит сўзлар: Кичик бизнес, иқтисодий механизм, инвестициялар, эконометрик модел, тадбиркорлик, кредитлар.

ECONOMETRIC ANALYSIS OF FACTORS INFLUENCING THE DEVELOPMENT OF SMALL BUSINESS IN NAMANGAN REGION

Ubaidullaev Akmal Tulkinboevich

Namangan Engineering-Technology Institute, PhD student. Uzbekistan.

Abstract

In the article, based on the data of small business entities operating in the Namangan region of our country from 2000 to 2021, a multifactor econometric model was created, this development was quantitatively assessed, as well as the volume of market services produced (provided) in small businesses, the volume of cargo transportation in road transport, the turnover of road transport, the volume of passenger traffic in road transport, passenger turnover of road transport, the number of employees and other factors are econometrically modeled by local researchers.

Keywords: small business, economic mechanism, investments, econometric model, entrepreneurship, loans.

Кириш

Наманган вилоятида кичик бизнесни ривожланиш кўрсаткичлари ва унга таъсир этувчи омилларни кўп омилли эконометрик модель тузиш, моделни турли тестлар орқали текшириш ҳамда унинг статистик аҳамиятлилигини аниқлаш, кичик бизнесни

маҳаллий даражада бошқаришнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш йўналишларини ишлаб чиқишга имкон беради.

Мақолада Наманган вилоятида фаолият юритаётган кичик бизнес субъектларининг 2000 йилдан 2021 йилгача бўлган даврдаги маълумотлари асосида кўп омилли эконометрик модель тузиб, мазкур ривожланиш миқдорий баҳоланди.

Шу ўринда айтиш керакки, кичик бизнесда ишлаб чиқарилган (кўрсатилган) бозор хизматлар ҳажми, автомобил транспортида юк ташиш ҳажми, автомобил транспорти юк айланмаси, автомобил транспортида йўловчи ташиш ҳажми, автомобил транспорти йўловчи айланмаси, банд бўлганлар сони ва бошқа омиллар маҳаллий тадқиқотчилар томонидан эконометрик моделлаштирилган.

Бироқ ҳар қандай бизнеснинг юраги ҳисобланган молиявий дастаклар етарлича ўрганилмаган. Кичик бизнесни маҳаллий даражада бошқаришнинг иқтисодий механизмларидан бири бу микрокредитлар, солиқ имтиёзлари ва бошқа молиявий воситалар ҳисобланади. Шу сабабли биз мақоламизда кичик бизнесга киритилган инвестицияларни вилоятда фаолият юритаётган корхоналарга таъсирини ўрганишга ҳаракат қилдик.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда бошқаришнинг назарий ва услубий асослари ҳамда уларни бошқарув механизмини такомиллаштириш масалалари хорижий иқтисодчи олимлар Л.И. Абалкин, Г.С.Сеялова, Е.Е. Вершигора, В.Ф.Филлипов, А.А.Кульман, Б.З Мильнер ва Д.В. Ходослар ўрганишларида ёритиб берганлар. Жумладан, Л.И. Абалкиннинг таъкидлашича, хўжалик механизми фаолият юритишнинг шакл ва усуллариининг мажмуидир, ўз таркибига нафақат базавий балки бир-бирига таъсир кўрсатувчи устқурмавий элементларни ҳам киритди [2]. Г.С. Сеялова фикрича, хўжалик механизми – бу ишлаб чиқаришни ташкил этиш усули, хўжалик юритиш шакли (режа, иқтисодий нормативлар, нарх, фойда, иш ҳақи, молия, кредит, қарор қабул қилиш) сифатида ишлаб чиқариш муносабатларини шакллантирувчи тизим, шунингдек, у нафақат ишлаб чиқариш муносабатларида балки, ишлаб чиқариш кучларини ва структурасини ташкил этиш демакдир [3]. Е.Е. Вершигора хўжалик механизмини режалаштириш, иқтисодий рағбатлантириш, бозор механизми ва ташкилий структуранинг биргаликдаги ҳаракати ҳамда уйғунлиги натижасида юзага келишини таъкидлайди [4]. Юқоридагиларни инобатга олиб айтишимиз мумкинки, хўжалик механизми кўпроқ макродаражага хос.

А.А.Кульман “ташкилий – иқтисодий механизм бу – иқтисодий ҳодисаларнинг аниқланган мажмуини ёки кетма-кетлигини билдиради” деб таъкидлайди [6].

Механизмни асосий вазифаларига нисбатан биз Д.В.Ходос фикрига қўшиламыз, уни фикрича:

- тадбиркорлик фаолиятини барча доираларидаги хўжалик субъектларини ташкилий уюшмасини таъминлаш;
- иқтисодий ва инвестицион муносабатларни такомиллаштириш учун керакли шарт-шароитларни яратиш;
- соҳаларни барқарор иқтисодий ва ижтимоий ривожланишидаги муаммоларни самарали ҳал қилиш [8].

Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг назарий жиҳатлари, бошқарув муносабатлари ва айрим ҳудудий хусусиятлари мамлакатимиз иқтисодчи олимлари С.Ғуломов, Ё.Абдуллаев, Ф.Каримов ва Б.Ходиевларнинг илмий ишларида баён этилган. С.Ғуломов бизнес тадбиркорликка нисбатан кенг маънога эга. Тадбиркорлик фаолияти бизнес фаолиятининг бир шакли сифатида иқтисодийнинг турли соҳаларида амалга оширилади, деб таъкидлайди [9].

Тадқиқот методологияси

Мақолада белгиланган тадқиқот вазифаларини ҳал этиш учун статистик, солиштирма таҳлил усули, корреляцион ва регрессион таҳлил, сўронома ва бошқа усуллар қўлланилган.

Солиштирма таҳлил усули – бу умумий илмий усуллар қаторига кириб, у эмпирик таҳлил характеристикасига эга. Унинг турлари кўп, масалан, солиштирма-таққослаш, тарихий солиштирма ва бошқалар. Статистик усулнинг умумий моҳиятини қўйидагича изоҳлаш мумкин: йиғилган маълумот базаси маълум категориялар бўйича гуруҳланиши, тизимлаштирилиши ҳамда икки ва ундан кўп бўлган бир гуруҳ ва рекузитга эга кўрсаткичларни бир-бири билан нисбий солиштириш амалга оширилади ва ҳолатга баҳо берилади.

Барча таҳлиллар асосида омилли таҳлил туради. Кенг маънода омилли таҳлил ўзгарувчан кўрсаткичларнинг тузулмавий боғлилигини ва уларни таснифланишини кўрсатиб беради. Омилли таҳлил асосида маълум омилларни умумий иқтисодий жараёнларга таъсирини кўриш мумкин бўлади.

Бизнинг мисолимизда эконометрик таҳлил усули сифатида корреляция ва регрессия усуллари қўлланилди.

Корреляция (лот. *Correlatio* – ўзаро муносабат, ўзаро боғланиш), корреляцион боғлиқлик – икки ёки бир нечта тасодифий миқдорларнинг статистик ўзаро боғлиқлигини ифодалайди.

Регрессион таҳлил боғлиқ ўзгарувчини боғлиқсиз ўзгарувчи билан боғлайдиган ва регрессия коэффициентларидан иборат номаълум параметрларни ўз ичига олган регрессия тенграмаси кўринишидаги модел тузишдан иборат.

Таҳлил ва натижалар

Наманган вилоятида фаолият юритаётган кичик бизнес субъектларининг ривожланишига таъсир этувчи экзоген омилларни аниқлаш учун қўйидаги омиллар танлаб олинди: натижавий омил - ҳудудлар кесимида рўйхатдан ўтган кичик тадбиркорлик субъектлари сони (Y), таъсир этувчи омиллар сифатида эса – кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликга молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар таркиби (Қабул қилинган маблағлар) (жами фоизда) (X_1), кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликга молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар таркиби (корхоналар ва аҳолининг ўз воситалари) (X_2), кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликга молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар таркиби (чет эл инвестициялари ва кредитлари) (X_3), кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликга молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар таркиби (банкларнинг кредитлари ва бошқа қарз маблағлари) (X_4).

Бу ерда қўйидаги илмий фаразлар (гипотезалар)ни текшириб кўриш мақсад қилиб олинган:

H_0 - кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликга молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар, яъни қабул қилинган маблағлар қанча юқори бўлса ҳудудларда кичик бизнес шунча ривожланади ҳамда янгидан янги кичик бизнес субъектлари вужудга келади. Кичик бизнесда корхоналар ва аҳолининг ўз воситаларини инвестиция шаклида киритилиш билан биргаликдаги самараси юқори бўлади. Бир вақтнинг ўзида чет эл инвестициялари, хорижий кредитлар, маҳаллий тижорат банкларининг кредитлари ҳамда бошқа қарз маблағлар барчаси тенг самара беради.

Шунингдек, ҳудудлар кесимида саноат маҳсулоти ҳажмини ортиши ёки пасайиши электротехника тармоғига бевосита таъсир этиб, ушбу тармоқдаги корхоналар иқтисодий хавфсизлиги даражасига сезиларли таъсир этади.

H_1 - кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликга молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар, яъни қабул қилинган маблағлар қанча юқори бўлса ҳудудларда кичик бизнес шунча ривожланади ҳамда янгидан янги кичик бизнес субъектлари вужудга келади. Бироқ, кичик бизнесда айнан корхоналар ва аҳолининг ўз воситаларини инвестиция шаклидаги қўйилмалари кўпроқ самара беради. Маҳаллий бошқарувда чет эл инвестициялари, хорижий кредитлар ҳамда маҳаллий тижорат банкларининг кредитлари ўрни юқори эмас.

H_2 - кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликга йўналтирилган чет эл инвестициялари, хорижий кредитлар ҳамда маҳаллий тижорат банкларининг кредитлари самараси юқори бўлиб, асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар, яъни қабул қилинган маблағларнинг ўрни унча юқори эмас. Молиявий воситаларни тенг қўлланилиши синергия самарасини бермайди.

Ушбу учта гипотезани текшириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида кўп омилли эконометрик модель тузишдан олдин «Eviews 10» дастуридан фойдаланган ҳолда омиллар бўйича тавсифий статистика ўтказилди. Натижалар қуйидаги 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Наманган вилоятида кичик бизнесни ривожланиши бўйича кўп омилли эконометрик моделнинг тавсифий статистикаси¹

	X1	X2	X3	X4	Y
Mean	17.84099	82.05393	7.226573	9.855956	13280.86
Median	7.386640	92.33308	0.700000	6.334153	12371.00
Maximum	60.48717	96.05873	37.08866	32.15244	27314.00
Minimum	4.500000	39.51283	0.089286	1.600000	8576.000
Std. Dev.	19.95166	19.88868	13.18793	8.387194	4839.188
Skewness	1.399253	-1.401853	1.631996	1.135215	1.273998
Kurtosis	3.241427	3.247981	3.818508	3.389659	4.386449
Jarque-Bera Probability	7.232429	7.262073	10.37997	4.864460	7.713312
	0.026884	0.026489	0.005572	0.087841	0.021139
Sum	392.5017	1805.186	158.9846	216.8310	292179.0
Sum Sq. Dev.	8359.447	8306.753	3652.353	1477.246	4.92E+08
Observations	22	22	22	22	22

1-жадвал маълумотларидан ҳар бир омилнинг ўртача қийматини (mean), медианаси (median), максимал ва минимал қийматлари (maximum, minimum) кўриш мумкин. Бундан ташқари, ҳар бир омилнинг стандарт четланиши (std. dev. (Standart Devation) – стандарт четланиш коэффиценти ҳар бир ўзгарувчиларнинг ўртача қийматдан қанчалик четланганлигини кўрсатади) қийматлари келтирилган.

Нормал тақсимот функцияси қуйидаги формула билан аниқланади:

$$p(x) = \frac{1}{\sqrt{2\pi\sigma}} \cdot e^{-\frac{(x-a)^2}{2\sigma^2}}, \quad -\infty < x < \infty,$$

Наманган вилоятида кичик бизнесни ривожланишига таъсир этувчи омилларнинг тасвирий статистикаси 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

Наманган вилоятида кичик бизнесни ривожланишига таъсир этувчи омилларнинг тасвирий статистикаси²

Covariance Analysis: Ordinary
Date: 02/10/23 Time: 16:14
Sample: 2000 2021
ncluded observations: 22

Covariance -Statistic Probability Cases Observations Weights	X1	X2	X3	X4	Y
X1	379.9749 ---- 22 22 22.00000				
X2	-378.6036 -148.4284 0.0000 22 22 22.00000	377.5797 ---- 22 22 22.00000			
X3	244.2555 18.67554 0.0000 22 22 22.00000	-243.5163 -18.72062 0.0000 22 22 22.00000	166.0160 ---- 22 22 22.00000		
X4	145.3064 9.796093 0.0000 22 22 22.00000	-144.4544 -9.644819 0.0000 22 22 22.00000	83.49208 5.777590 0.0000 22 22 22.00000	67.14753 ---- 22 22 22.00000	
Y	80039.33 7.834583 0.0000 22 22 22.00000	-79639.90 -7.776430 0.0000 22 22 22.00000	46967.17 5.414120 0.0000 22 22 22.00000	36276.82 11.92899 0.0000 22 22 22.00000	22353302 ---- 22 22 22.00000

Шунингдек, омилларнинг тақсимои ўрганилганда барчаси нормал тақсимот қонунига бўйсунгани аниқланди.

Тадқиқот натижаларига кўра, барча омиллар (Y₁, X₁, X₂, X₃, X₄) нинг асимметрия коэффицентлари мусбат бўлганлиги сабабли улар графикларининг ўнг «думи»

назарий нормал тақсимот графикларидан ўннга сурилган. Айрим йилларда баъзи омиллар кескин ортишга эга бўлган бўлса, айримларида ўзгаришлар сезиларли даражада бўлмаган. Умуман олганда, ўрганилаётган барча омиллар нормал тақсимот қонунига бўйсунган.

Хусусий автокорреляция тести натижалари қўйидаги расмда келтирилган.

3-жадвал

Наманган вилоятида кичик бизнесни ривожланишига таъсир этувчи омилларнинг автокорреляция тести³

Date: 02/10/23 Time: 16:16
Sample: 2000 2021
Included observations: 22

	Autocorrelation	Partial Correlation	AC	PAC	Q-Stat	Prob
1			0.762	0.762	14.581	0.000
2			0.632	0.125	25.135	0.000
3			0.429	-0.211	30.250	0.000
4			0.167	-0.346	31.073	0.000
5			0.111	0.286	31.456	0.000
6			0.000	0.020	31.456	0.000
7			-0.040	-0.085	31.511	0.000
8			-0.074	-0.186	31.717	0.000
9			-0.112	0.082	32.225	0.000
10			-0.159	-0.102	33.332	0.000
11			-0.192	-0.037	35.097	0.000
12			-0.208	-0.042	37.379	0.000

Қўп омилли эконометрик моделга омилларни танлаш учун корреляцион таҳлил ўтказиш керак. Бунинг учун омиллар ўртасида хусусий ва жуфт корреляция коэффициентлари ҳисобланади. Омиллар ўртасида хусусий ва жуфт корреляция коэффициентлари матрицаси қўйидаги 4-жадвалда келтирилган.

4-жадвал

Наманган вилоятида кичик бизнесни ривожланишига таъсир этувчи омиллар ўртасида хусусий ва жуфт корреляция коэффициентлари матрицаси⁴

Covariance Analysis: Ordinary

Date: 03/01/21 Time: 01:20

Sample: 2016Q1 2019Q4


Included observations: 16

	Y1	Y2	Y3	X1	X3	X4	X5
Y1	1.000000	0.873400	0.939722	-0.538744	0.908068	-0.117804	0.792879
Y2	0.873400	1.000000	0.987279	-0.292948	0.990090	-0.356982	0.953213
Y3	0.939722	0.987279	1.000000	-0.381577	0.991640	-0.289108	0.928140
X1	-0.538744	-0.292948	-0.381577	1.000000	-0.285273	-0.342327	-0.153742
X3	0.908068	0.990090	0.991640	-0.285273	1.000000	-0.331472	0.952658
X4	-0.117804	-0.356982	-0.289108	-0.342327	-0.331472	1.000000	-0.367513
X5	0.792879	0.953213	0.928140	-0.153742	0.952658	-0.367513	1.000000

³ Муаллиф Eviews-10 дастурида ҳисоб-китоблари

⁴ Муаллиф Eviews-10 дастурида ҳисоб-китоблари

Ушбу 4-жадвалдан кўриниб турибдики, натижавий омил (Y_1) ва унга таъсир этувчи омиллар (X_1, X_2, X_3, X_4) ўртасидаги боғланишлар зичлигини кўрсатади.



1-расм. Наманган вилоятида кичик бизнесни ривожланишига таъсир этувчи омилларнинг тасвирий статистикаси⁵

Демак, хусусий корреляция коэффицентлари натижавий омилнинг ва таъсир этувчи омиллар ўртасида зич боғланишлар мавжудлигини кўрсатмоқда, яъни хусусий корреляция коэффицентлари қиймати 0,7 дан катта.

5-жадвал

Наманган вилоятида кичик бизнесни ривожланишига таъсир этувчи (логарифмланган) омилларнинг тасвирий статистикаси⁶

Test for Equality of Means Between Series

Date: 02/10/23 Time: 16:39

Sample: 2000 2021

Included observations: 22

Method	df	Value	Probability
Anova F-test	(4, 105)	249.8352	0.0000
Welch F-test*	(4, 49.5062)	964.2200	0.0000

*Test allows for unequal cell variances

Analysis of Variance

Source of Variation	df	Sum of Sq.	Mean Sq.
Between	4	1109.424	277.3559
Within	105	116.5663	1.110155
Total	109	1225.990	11.24761

Category Statistics

Variable	Count	Mean	Std. Dev.	Std. Err. of Mean
LX1	22	2.408787	0.923897	0.196976
LX2	22	4.368913	0.306992	0.065451
LX3	22	0.195216	1.932589	0.412029
LX4	22	1.940082	0.871394	0.185782
LY	22	9.439096	0.329729	0.070298
All	110	3.670419	3.353746	0.319767

⁵ Муаллиф Eviews-10 дастурида ҳисоб-китоблари

⁶ Муаллиф Eviews-10 дастурида ҳисоб-китоблари

**Наманган вилоятида кичик бизнесни ривожланишига таъсир этувчи
(логарифмланган) омиллар ўртасида хусусий ва жуфт корреляция
коэффициентлари матрицаси⁷**

	LX4	LY	LX3	LX2	LX1
LX4	1.000000	0.948475	0.844655	-0.777229	0.924107
LY	0.948475	1.000000	0.834794	-0.820681	0.924233
LX3	0.844655	0.834794	1.000000	-0.898329	0.929815
LX2	-0.777229	-0.820681	-0.898329	1.000000	-0.941734
LX1	0.924107	0.924233	0.929815	-0.941734	1.000000

Хулоса. Тадқиқот натижаларига кўра, олинган 4 та омилларнинг регрессион таҳлили амалга оширилганда, *p*-value қиймати 0.05 дан юқорилиги аниқланиб, статистик жиҳатдан аҳамиятли эмас деган хулосага келинди. Демак, *H₀* гипотеза рад этилади. Бир вақтнинг ўзида чет эл инвестициялари, хорижий кредитлар, маҳаллий тижорат банкларининг кредитлари ҳамда бошқа қарз маблағлар барчаси тенг самара беради деган хулосамиз тасдиқланмади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 01.05.2019 йилдаги ПҚ-4302-сон “Саноат кооператсиясини янада ривожлантириш ва талаб юқори бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори.
2. Абалкин Л.И. От экономической теории до концепции долгосрочной стратегии // Абалкин Л. Проблемы современной России. М., 2011, с. 39-47.
3. Сеялова Г.С. Организационно-экономический механизм управления предприятиями. Монография. "Оренбург. гос. ун-т". - Оренбург : ОГУ, 2006. - 139 с.
4. Вершигора Е.Е. Менеджмент: Учебное пособие. 2-е изд., перераб. и доп. М.: ИНФРА-М, 2000.- 283 с.
5. Филиппов В.Ф. Беседы о хозяйственном механизме. 2-е изд., доп. -М: Политиздат, 1984. 192 с.
6. Кульман А.А. Экономические механизмы//под общ. редакцией Н.И. Хрусталевой. – М.: Прогресс; Универс., 1993. – 92 с.
8. Ходос Д.В. Экономический механизм развития сельскохозяйственного производства. - Красноярск: Изд-во КрасГАУ, 2008. - 234 с.
9. Гулямов С.С., Догиль А.Ф., Семенов Б.А. Предпринимательство и малый бизнес. – Т. 1997 – с. 33 – 34.
10. Абдуллаев Ё., Каримов Ф. “Кичик бизнес ва тадбиркорлик асослари”. Т.: Меҳнат.2010. 9-бет.
11. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. «Ҳалк сўзи» газетаси, 2020 йил 30 декабрь № 276 (7778) сон.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 02.03.2020 йилдаги ПФ-5953-сонли “2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини «илм, маърифат ва рақамли иқтисодий ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги фармони.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 24.08.2019 йилдаги ПҚ-4426-сонли “Давлат ва хўжалик бошқаруви ҳамда маҳаллий ижроия ҳокимияти органларининг ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва саноат тармоқларида кооператсия алоқаларини жадаллаштиришнинг янги тизимини жорий этиш бўйича масъулиятини янада ошириш тўғрисида”ги қарори.

14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 30.09.2019 йилдаги 833-сонли “Саноат ярмаркалари ва электрон кооператсия биржаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори.

15. Котлярова, С.Н. Рол локализатсии промышленного производства в политике импортозамещения / С.Н. Котлярова, Ю.Г. Лаврикова, Л.М.Аверина

// Экономические и социальные перемены: факты, тенденции, прогноз. - 2017. - Т. 10. - № 5. - С. 115-127. DOI: 10.15838/есц/2017.5.53.8

16. Маҳаллийлаштириш - иқтисодий ривожланиш омили // Муродхўжаева Ф; Иқтисод ва молия / экономика и финансы 2014, 4 б-27

17. Н.П. Шамаева. «Промышленная кооператсия как фактор экономического развития»// Вестник Удмурдского университета, 2014. Вып. 1

18. Kong B., Gallagher K.P., 2021. Inadequate demand and reluctant supply: The limits of Chinese official development finance for foreign renewable power // Energy Research & Social Science 71 (2021) 101838. 2 r. 4. Cook P., Nixon F., 2017. Finance and Small and Medium-Sized Enterprise Development / University of Manchester, Crawford House, Precinct Centre, Oxford Road, MANCHESTER M13 9GH. 3-p <http://www.gdrc.org/icm/micro/fin-sme.html>

19. Cook P., Nixon F., 2017. Finance and Small and Medium-Sized Enterprise Development / University of Manchester, Crawford House, Precinct Centre, Oxford Road, MANCHESTER M13 9GH. 3-p <http://www.gdrc.org/icm/micro/fin-sme.html>

20. Зайцев, А. Названы лидеры по локализатсии среди выпускающихся в России автомобилей / А. Зайцев // Информационный сайт Ыроом.ру [Электронный ресурс]. - УРЛ: [хттп://ыроом.ру/неыс/3670](http://ыроом.ру/неыс/3670) (дата обращения: 13.02.2017).